



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 5 ноябрь, № 215 (4625) Чоршанба

ИСТИҚЛОЛ ЧАРОҒОН ЭТГАН ХАЗИНА



Миллий хунармандчилигимиз таассуфки, ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб шўро тузумининг тахрирларига учради. Авлоддан-авлодга ўтиб келадиган шарофатли касб-хунарларимизнинг доврқли сулоалари ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлдилар.

Не-не беназир истеъдод соҳиблари сеvimли касбларининг истиқболи забунлиги боис орзуларига етолмадилар. Шўкурким, Истиқлол шарофати билан хунар ва хунарманд ўзалига қайтди. Ҳимоят ва ҳидоят тоғди. Хайрли ва баракотли янгилинишларга юз тутди.

— Истиқлолимиз саодати ва Юртбошимизнинг гамхўрлиги чинакам маънода хунармандларнинг қаддини кўтарди, касбу корларини дунёга танитди, иззату ҳурматларини жойига қўйди. — дейди биз билан сўхбатда Республика «Хунарманд» уюшмаси раиси Муҳаммадсўф

Миллий маданиятимиз, санъатимизнинг янги даври, хусусан, халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилигининг гуллаб-яшнаши билвосита истиқлолимиз ва унинг меъмори Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолиги, қўллаб-қувватлови ва гамхўрлиги билан чамбарчас боғлиқ. Сир эмас, каштачилик, зардўзлик, мискарилик, пичоқчилик, ганжкорлик, ўймакорлик, қулоччилик ва яна бошқа ўнлаб ноҳир касб-хунарлар халқимиз истеъдодининг ёрқин қирралари бўлиб асрлар оша шаклланиб, сайқал топган эди.

Қурбонов. — Маълумки, мустабид замонда хунармандлар маҳсулотларини яширинча бозорга тарқатишар, баъзи ҳолларда қўлга тушиб қолиб, бор-йўқларидан ажралишарди. Хунармандлар орасида кун кўргани бир-икки қулоч, бир-икки дўпдўз, бир неча бешкичию тунукасоз бўлди. Улар ҳам чигиридан ўтиб, турли-туман қозғаларга қўл қўйиб, ичларидан зил кетиб ишлашарди. Ачинарлиси, ҳатто ўшаларга ҳам меҳнат дафтарчаси очилмас, демаски, нафақадан, бошқа ижтимоий ҳимоядан маҳрум эдилар. Ана шундай оғир шароит боис атласнинг улкан салоҳияти ва маҳорат талаб этадиган қадимий турлари, пичоқчиликнинг дамашиқ, дандони, қулоччиликнинг айрим мураккаб бадийи безак бериладиган жиллари йўқлиб кетди. Яхшиямки, дорилмон кунларга етдик.

(Давоми 4-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги қарорига кўра, мамлакатимизда ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига жойларда ҳозирлик ишлари давом этмоқда.

Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу масалага бағишланди. Унда тегишли идора ва муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди. Демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим ўрин тутди. Шу боис мустақиллигимизнинг илк йилларидан маҳалла институтини янада такомиллаштириш, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Маҳалла оқсоқоллари тадбиркорлиги, ташкилотчилиги, эл ичидagi оғу-этибори, инсоний фазилатлари билан ажралиб турган. Бугунги кунда ҳам ана шундай инсонларни сайлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган ўзгариш-

лардан яхши хабардор, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан етарли билим ва тушунчаларга эга, фаол ва фидойи кишилар бўлмоғи даркор. Маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга ўтказишувчи комиссиялар ишини ташкил этишга алоҳида масъулият билан ёндашиш лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, Республика «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Боқибоев ва бошқалар мазкур сайлов жамиятимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан эканини таъкидладилар. Сайловни холисона, ошкоралик ва демократик тамойиллар асосида ушшоқлик билан ўтказиш юзасидан мутасадди раҳбарлар ва масъул шахсларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ХАЛҚ ХОҲИШИ ИФОДАСИ

Шу кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилмоқда.

Унда, албатта, давлатимиз қонунчилиги, хусусан, «Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, Истиқлол йилларида тўпланган сайлов тажрибаси мазкур кампанияни демократия, ошқ-ошкора ва холислик тамойиллари асосида ўтказишда қўл келмоқда. Хорижлик экспертлар ва олимларнинг юксак эътирофига сазовор бўлган маҳалла институтини ҳаётдаги мазкур жараён Тошкент шаҳрида ҳам қонунчилик талаблари асосида ўтказилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг юқорида номга келтирилган қарори ихросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича 474 та ишчи гуруҳи тузилди. Улар белгиланган ҳадвалга биноан, маҳаллаларда сайловларни тегишли қонунларга мувофиқ ташкил этишмоқда. Чунки, шу қўнғача шаҳардаги ўттиздан ортиқ маҳаллаларда сайловлар ўтказилди — маҳалланинг эртаси, одамларнинг тинч-тотуғлиги, фаровонлиги учун жон кўйирадиган, элпарвар инсонлар раислиқка сайландилар.

Маҳалланинг аҳли бу галги сайловда анча фаол қатнашди, — дейди Учтепа туманидаги Шофайзибегим маҳалласининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Шоҳсимон Шоваҳобов. — Бунди сайловларнинг номзодларга бераётган саволлари-ю, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан келтириётган тақлифлари мисолида ҳам яққол сезиш мумкин. Сайлов давомида шу нарсага амин бўлдики, аҳоли ўртасида мазкур жараён тўғрисида олиб борган тушунтириш ишларимиз — у қонунчиликка оидми ёхуд ташкилий масала бўлади — барчаси маҳалла йиғини сайловда ўзининг ижобий самарасини берди. Чунки номзодлар бўйича тақлифлар тайёрланаётгандаёқ, одамлар, аввало, оқсоқол сифатида кимни кўришини ва маҳаллада кимлар бундай салоҳиятга эга эканлиги ҳақида биз билан фикр алмашдилар. Бу эса, ўз навбатида, бугунги сайловнинг мўқбиллик, демократия тамойиллари асосида ўтказишга шароит яратди.

(Давоми 2-бетда).

КИМЁ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ

«Ўзкимёсаноят» давлат акциядорлик компаниясида минерал ўғитлар, дефолантлар, ўсимликларнинг кимёвий муҳофазаси воситалари ярмаркаси бошланди.

Ярмарканинг очилишида «Ўзкимёсаноят» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Х. Шерматов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида кимё саноятини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик тоза технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилётгани ўз самараларини бераётганини таъкидладди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган 2007-2011 йиллар мобайнида кимё санояти корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига оид қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бешинчи бор ташкил этилган мазкур ярмаркада Кўнғирот сода заводи, «Максам-Чирчиқ», «Самарқандкимё», «Навоийазот», «Аммофос», «Кўкюн суперфосфат заводи», «Фаргонаазот», «Жиззахпастмасса» очик акциядорлик жамиятлари

сингари юртимизнинг ўндан ортиқ корхонасида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар, аммофос, суперфосфат, карбамид каби бир юз эллик турга яқин маҳсулот намойиш этилмоқда. — 2007 йили ўтказилган ярмаркада корхонамизда ишлаб чиқарилган ўттиздан ортиқ маҳсулот билан қатнашиб, 17 миллиард сўмлик шартнома имзолаган эдик, —

дейди Навоийдаги «Электромеханика»нинг тайёр маҳсулотлар сотиш бўлими бошлиғи Исмаилла Жумаев. — Ўтган бир йил мобайнида корхонамизда маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпайди. Ушбу кўрғазмада эллик турдаги маҳсулотни намойиш этаямиз. Ярмарка давомида 30 миллиард сўмлик шартнома тузишни режалаштиряпмиз.

7 ноябргача давом этадиган мазкур ярмаркага ташриф буюрган қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва фермерлар кимёвий препаратлар ва минерал ўғитларни сотиш олиш бўйича музокара олиб бормоқда.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Мамлакат бўйлаб

Пилани қайта ишлашга ихтисослашган «Бухоро-Хвашен» қўшма корхонасининг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

Экспорт салоҳияти ошмоқда

■ Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона шу йилнинг ўтган даврида 1 миллион 202 минг АҚШ доллари миқдоридagi ипак толасини экспорт қилди. Йил охирига қадар яна 264 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот хитойлик буюртмачиларга етказиб берилди. Вилотда шу каби корхоналар сай-ҳаракати билан ўтган тўққиз ойда экспорт ҳажми 123,2 фоизга ўсди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, «UNITED SOST» фирмаси мутахассислари таълим муассасаларида ўқитиш тизимини автоматлаштириш тизимини яратдилар.

Таълим жараёнини такомиллаштиради

■ Ушбу ихтиро Ўзбекистон Давлат патент идораси томонидан рўйхатга олинди. Мазкур дастур таълим бериш жараёнини назорат қилиш ва унинг сифатини яхшилашда юқори натижага эришини таъминлайди. Унинг ёрдамида ўқув муассасаси маъмурияти, талаба ва ўқитувчи ўртасида мун-

Инсон эркинлиги ва ҳуқуқ

■ Термиз шаҳрида Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умулжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида давра сўхбати бўлиб ўтди. Ешларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган мазкур тадбирда вилот ва шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, «Камолот» ЕИХ вилот бўлими кенгаши ҳамда таълим муассасаларининг талабалари иштирок этди.

Давра сўхбатида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари миллий қонунчилигимизда тулиқ кафолатланганини, Инсон ҳуқуқлари умулжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ҳусусида сўз борди.

Шунингдек, тадбирда талаба ешлар ўртасида «Энг яхши ҳуқуқ билимдон» танлови ўтказилиб, голибларга эсалик совғалар топширилди.

А. РУСТАМОВ.

«Шўртангазим» мажмуи Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қад ростиладиган Устюрт газ-кимё мажмуи учун мутахассислар тайёрлаш мактаби вазифасини ўтайдиган бўлди.

Етук мутахассислар мактаби

■ Махсус комиссия томонидан танлаб олинган қорақалпоғистонлик ва хоразмлик 50 нафарга яқин ёш газни қайта ишлаб, полиэтилен олиш жараёнини амалда ўрганиш учун корхонага келдилар. Уларга тажрибали мутахассислар устоилик қилишмоқда.

— Газни қайта ишлаш жараёни жуда мураккаб, — дейди «Шўртангазим» мажмуи бош муҳандиси Тўлаган

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун мамлакатимизда йиғирмадан ортиқ интернет-дўконлар тилам буюмларидан тортиб, қурилиш материаллари ва маиший техникагача бўлган турли маҳсулотларни тақлиф этмоқда. Бу борада маҳсулотлар сифати ва уларни уйингизга етказиб бериш кафолатланади.

МОБИЛЬ КАРМОНДАН МАСОФАВИЙ ТЎЛОВЛАР

Харид қилинган маҳсулот ҳақиқи тўлаш учун нақд пул бўлиши ҳам шарт эмас. Ҳисоб-китобни электрон тўлов билан қўриб олиш амалга ошириш мумкин. Бундай имкониятни «eKamton» интернет тўловлари тизими оператори — «eKamton Group» компанияси тақдим этмоқда. Ушбу тизим жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш бўйича тажриба лойиҳаси сифатида мамлакатимиз ҳукумати томонидан тасдиқланган.

— Ўзбекистонда электрон тижорат жадаллик билан ривожланмоқда ва тўловли фаолият кўрсатмоқда. — дейди ЎЗА мухбирига «eKamton Group» масъулияти чекланган жамият бош директори Дилшод Абдуқодиров. — Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қатта эътибор қаратаётгани туфайли бугунги кунда электрон тижорат савдо-сотиқнинг оддий шаклига айланмоқда.

«eKamton» тизими электрон тижорат иштирокчиларига Интернет тармоғи орқали, шахсий электрон рақамли имзосини қўллаган ҳолда, товарларни зудлик билан харид қилиш, сотиш ёки хизмат кўрсатиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, фойдаланувчиларнинг электрон қармонларининг хавфсизлиги кафолати ҳисобланади. Капитлар

(Давоми 3-бетда).

Аҳоли омонатлари ҳажми ўсмоқда

2008 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимиз банкларидаги аҳоли омонатлари ҳажми 1,5 баравар ўсди.

Бу аслида жаҳоннинг қўллаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз қўламлири кенгаётганига қарамай, республикамиз банк тизими барқарор ривожланаётгани боис аҳолининг унга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётганининг самарасидир.

МОБИЛЬ КАРМОНДАН МАСОФАВИЙ ТЎЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

сертификати "Multisoft Solutions" компаниясининг Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилди.

"eKampon" интернет-тўловлари тизимининг фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг натижасида олинган статистика маълумотларига кўра, харидорлар "онлайн"-харид тизими орқали кўпроқ маиший ва компьютер техникаларини сотиб олмақда. "Онлайн"-савдонинг барча қулайликларини эътиборга оладиган бўлса, аҳоли ва бизнес вакиллари томонидан бунга қизиқиб ортиб бораётганини кўриш мумкин. Бу эса "eKampon" тизими фойдаланувчилари сони кўпайишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда тизим томонидан тақдим этилаётган хизматлар нафақат вақтни, балки моддий ва инсон ресурсларини ҳам тежашга ёрдам берибди. Хусусан, фойдаланувчилар маҳсулотларини интернет-дўконлардан сотиб олиши, коммунал, мобил алоқа, интернет провайдер хизматлари учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ишончли ва қонуний электрон савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадига жорий йилнинг июлидан махсус кенг қўламли тадбир бошланган эди. Мазкур тадбир доирасида ҳужжатли юридик субектларга "eKampon" тизимига улаш мўлқат бепул тақдим этилмоқда. Пакетга интернет-дўконнинг тайёр дастурий таъминоти, домени номи, сервер макони (хостинг), "Multisoft Solutions" масъулияти чекланган жамияти Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказининг "eKampon" тизими орқали товарларни ёқи хизматларни "онлайн"-сотишда элект-

трон шартномаларни тузиш учун зарур электрон рақамли имзо қиради.

Тадбиркорлар билан уларга бепул интернет-дўконларини тақдим этиш бўйича шартномаларни тузиш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, "eKampon Group" масъулияти чекланган жамиятининг ҳамкорлари ҳисобланган "Micro Design" компанияси ва "Trinity" дизайн-студияси Ўзбекистон бизнес вакилларига "eKampon" тизимига уланган интернет-дўконларни тақдим этмоқда. Ушбу дўконлар "IC-Бухгалтерия" дастурига интеграциялашув орқали корхонанинг ички бухгалтерлик ҳисобида интернет-сўтовни автоматик тарзда акс эттириш имконини беради. Мазкур дастурий ечим UzNETда "онлайн"-савдоларни амалга оширишда зарур бўлган барча талабларга жавоб беради.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадига агентлик шахобчалари тармоқлари кенгайтирилмоқда. "eKampon Group" масъулияти чекланган жамияти республикада тижорат банклари, "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти ҳамда дилерлик тармоқларига эга фирмалар билан агентлик шартномаларини тузмоқда.

Компания республикамиз ҳудудда электрон тижорат инфраструктурасини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Яқинда мижозларга "eK Mobile" — "Мобиль кармон" хизмати тақдим этилди. "eKampon" тизимини қўллашнинг қулайлиги, фойдаланувчиларнинг шахсий электрон ҳисоб-рақамларини бошқариш ва мобил телефон ёрдамида тўловларни дарҳол тулаш имконияти ушбу янгиликнинг ўзига хос афзаллиги ҳисобланади.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Юртимиз дунё тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган алломаларни тарбиялаб берган маскан саналади. Эътибор берган бўлсангиз, деярли барча шаҳар ва қишлоқларимизда азиз-авлиёларнинг сўнгги манзили учрайди. Бундай улуг зотларни бугун бутун дунё аҳли билмоқда, эшитмоқда. Зеро, кутлуғ неъмат — истиклолдан кейин Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан валииларнинг номлари шарафлиб, илмий ва адабий мерослари маънавий мулкимизга айланди. Ва ушбу савоб ишнинг довриги боис юртимиздаги зиёратгоҳларга хорижий ўлкалардан ҳам зиёратчилар тинимсиз ташриф буюрмоқда.

Оқибатли Одамлар

Қашқадарё воҳасининг сўлим гўшаларидан бири — Лангар ота қишлоғи ҳам ана шундай диққатга сазовор манзилдир. Яқинда Лангар ота қишлоғига бордик. Ёнимдаги кишилар илгари ҳам бу ерга келишган экан, йўл-йўлак қишлоқни таърифлаб кетишди. Етиб борган эса... Қишлоқни бир бора кўрган киши бу кутлуғ жойга қайта-қайта келгиси, эски, пасткам уйлари, тарихдан сўйлагувчи деворларни кўргиси келарди. Кўчаларни айланиб, тарихимизнинг минг-минг йилларга бориб тақалишини ҳис қиласиз. Қалби пок, самийий одамлар кўзига қоқиб, уларнинг орзу-умидлари, ният-

истакларини эшитгандек бўласиз. Хорижий сайёҳлар йўл кўрсаткичларида алоҳида белгиланган Лангар ота олимлар, тарихчилар, маданиятшунос диндорлар, этнографлар, этношуносларнинг чуқур ўрганишлари учун аҳамиятга молик маскан бўлиб, айнан шу жойда кўп асрлар мобайнида ислом маданиятининг ноёб, муқаддас осори-атикалари сақланиб келган ва турли сабабларга кўра дунё узра сочилиб кетган. Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрича, улар орасида бебаҳо манба бўлган кўлэма бизгача етиб келган Куръони карим китоб-

лари ичида энг қадимий-сидир. Бундай қомилликка интилувчанликларини туфайли ҳам қишлоқ файз-баракотли, одамларнинг бир-бирига оқибати қули. Биз бундай санимийнинг сабабини сўраганимизда, қишлоқ отахонларидан бири шундай деди: — Меҳр қуриш учун, аввало, ўзингизда меҳр бўлсин. Шаҳар жойларда айримлар қўшниси кимлигини ҳам билмайди. Аслида, халқимизда: "Қўшничилик — минг йилчилик" деган нақл бор. Шундай экан, ҳар бир онни ганимат билан яшаш, айниқса, кўни-қўшига яхшилик қилишда ҳикмат кўп. Бировга кўрса-

Максуд ЖОНИХОНОВ.

ЯНГИОБОДА МУҲТАШАМ МАКТАБ

2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умумий миллий дастури доирасида бу йил Сурхондарё вилоятида 56 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 81 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 4 та янги мактаб қурилди.

Деновдаги Янгиобод маҳалласи аҳли бир миллирдан сўмлик маблағ эвазига қад ростлаган янги 67-санаторий мактабининг фойдаланишига топширилишини кўвонч билан қаршилади. Камалакдек товланиб турган даргоҳнинг синфхоналари янги ўқув технологиялари билан жиҳозлангани нур устига аъло нур бўлди. — Бу бекиёс ғамхўрлик жамоамиз ғайратига ғайрат қўшиб ишлашга рағбат-

лантирмоқда, — дейди мактаб директори Раъно Саломова. — Таълим сифатини янада ошириб бориш баробарида хар бир ўқувчига ўзи қўзғибган фан йўналиши бўйича қўшимча билим бериш ва албатта, бирон касбга ўргатиш тадбирларини кўра-
Уша қуни ҳомийлар мактаб жағғармасига китоб, ўқув қуроллари совға қилдилар. Ҳовлига гул қўчатлари ўтқаздилар.
О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хизмат

Йўловчиларга Манзур

130 минг нафардан зиёд аҳолиси бўлган Жиззах шаҳрида «Дамас» ва «Газель» русумли транспортлар асосий йўловчи ташиш воситаси бўлиб қолди.

Улар ҳар қуни 110-115 минг нафар аҳолига турли йўналишларда хизмат кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик, айни пайтда, рақобат асосида меҳнат қилаётган жамоалар ўртасида 175 та транспорт эгаларини бирлаштирган «Ул-тена» хусусий корхонасининг салмоғи катта. Йилнинг ўтган даврида корхона 1,5 миллион сўм соф даромад кўрди. Шунингдек, 6 йўналишда қатнаётган «Автотранс-Элит» кўп тармоқли фирмаси ҳамда «Жиззах таксисаройи» ОАЖнинг транспортлари ҳам йўловчиларнинг узоғини яқин қилди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳар қуни юзлаб тадбиркорлар, ишбилармонлар, сармоядорлар белгиланган тартиб-қоидалар, қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда, ҳалол тижорат ишларини амалга ошириш учун юртимиз сарҳадларидан ўтадилар. Улар учун республикамизда барча имконият-

лар, қулай имтиёзлар яратилганлигини ҳатто хорижликлар ҳам эътироф этишаёти. Лекин гуруҳ курмаксиз бўлмаганда, бундай имтиёз ва имкониятларни суистеъмол қилиб, божхона бекатларини четлаб ўтаётганлар ҳам учраётгани ачинарлидир.

ОСТОНАМИЗ МУҚАДДАС

Божхонани четлаб ўтишга уринаётган кимсалар бу ҳақиқатни унутмасинлар

Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Олтириқ туманининг Бўрбалиқ қишлоғи Қирғизистон Республикасининг Қадамжой туманидаги Қизил аскар қишлоғига туташиб кетган. Божхоначилар сўнгги пайтларда бу ҳудудда давлат рақами 15 М 77-87 бўлган автомашина тез-тез пайдо бўлаётганини сезиб қолишди. «Кўза қанда эмас, қунди синида», деганларидай, текшириш чоғида бу машинанинг серкатновлиги бежиз эмаслиги аён бўлди.

Учқўприклик Дилшод Ёқубов қўшни давлатдан беш миллион сўмлик ўта

сифатсиз болалар кийимларини ноқонуний йўллар билан юртимизга олиб ўтмоқчи бўлганида, божхоначилар томонидан тўхтаб қолди. Шу ўринда ҳақли савол туғилди: ҳўш, бирни ўнга ура-диган «тадбиркор» бу сифатсиз буюмларни ўз фарзандларига раво кўрадими?
Ҳеч кимга сир эмас, бозорларимиз тўқин, расталардаги маҳсулотлардан кўз қамашади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардор маҳсулотлар қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинапти. Минг таассуфки, маргилонлик Иб-

роҳим Мирзаахмедов 27 хилдаги 11 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини пойтахтнинг «Карвон-бозор»идан бозоридан сотиб олиб, катта даромад кўрмоқчи бўлибди. Дунёдаги бир қатор мамлакатларда тайёрланган, деган сохта тамга босилган маҳсулотлар контрабанда эканлигини гўёки билмаган эмиш. Лекин унинг ваз-қарсонларини қилни қирқ ёрадиган божхоначилар тан олишмади...
Аслида, чегара ҳудудларида яшовчи аҳоли Ватан посбонлари, божхоначиларнинг яқин кўмақдошлари

ЖАҲОН 24 соат ичида

Акцияларга эгалик қилмоқчи

Электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Япониянинг «Panasonic» компанияси «Sanyo Electric»нинг акцияларини назорат пакетини сотиб олмақчи, дея маълумот тарқатди «Nikkei Net Interactive» газетаси.

Агар томонлар бир битимга келишса, «Sanyo Electric» номига, унинг ишлаб чиқариш тизимига ўзгартиришлар киритилмайди, ходимларнинг иш ўринлари сақлаб қолинади. Компания вакиллари жорий йилнинг 7 ноябрь қуни бўладиган учрашувда ўзаро келишиб олишмоқчи.

Кузатувчилар «Panasonic» «Sanyo Electric»нинг акцияларига эгалик қилса, жаҳон электроника бозоридagi йирик компаниялардан бирига айланишини ва унинг йиллик даромади 11 триллион иена (112 миллиард АҚШ доллари)га тенг бўлишини айтишмоқда.

Савдо дўконларида портлаш

Таиланд жанубидagi савдо дўконларида кучли портлашлар амалга оширилди. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хунрезликлар мева ва чой маҳсулотлари сотилаётган дўконларда юз берган. Портлашлар оқибатида етмишга яқин одам тан жароҳати олган. Айни пайтда кўпорувчилик ҳаракатлари ким томонидан ва нима мақсадда содир этилгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Эҳтиёт бўлинг, кўзиқорин

Грузияда кўзиқорин маҳсулотини сотиш тақиқлаб қўйилди, дея хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги. Мамлакат қишлоқ ҳўжалиги вазири Бакур Квезерелининг айтишича, Грузияда кўзиқориндан оммавий заҳарланиш ҳолати кузатилганидан сўнг шундай қарорга келинган. Эслаб ўтамиз, жорий йилнинг октябр ойида ўрмон кўзиқоринини истеъмол қилган юз нафардан ортиқ фуқаро заҳарланганлиги маълум бўлган. Улардан уч нафари вафот этган. Вазият тўлиқ ўрганилгунга қадар мамлакатда кўзиқориннинг ҳар қандай турини савдога чиқариш қатъий назоратга олинди.

Ҳаводаги тўқнашув

Корея Республикасига тегишли иккита ҳарбий самолёт ҳавода тўқнашиб кетди. «Associated Press» ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, фожиа мамлакат пойтахти Сеулдан 46 километр шимолда жойлашган Пхочон шаҳрида юз берган. Самолётлар ўқув машқларини ўтказиб турган вақтда бир-бирига урилиб кетган. Наҳотки улардан бири шолли майдонига қулаб тушган, иккинчиси эса қароргоҳга қайтишга муваффақ бўлган. Тўқнашув вақтида улардан биридаги тўрт дона ракета ерга тушиб кетган. Айни пайтда ҳалокат юз берган жойда қидирув ишлари оlib боришмоқда. Сўнгги маълумотларда ракетадан бири топилигани айтиб ўтилган. Мамлакат қуролли қучлари вакили бу воқеадан тинч аҳоли эиён кўрмаганлигини таъйидлаган.

Рекорд янгиланди

Жеймс Бонд ҳақида ишланган янги фильм Буюк Британия кино ишқибозлари томонидан яхши кутиб олинди. Кино асари мамлакат кино театрларида намойиш этилган қуниёқ 4,94 миллион фунт стерлинг даромад келтирган. Бу ҳақидаги маълумот кино филмининг расмий ижарачи компанияси — «Columbia Pictures» томонидан тарқатилди. Шу тариқа Жеймс Бонднинг янги саргузаштлари мамлакат кино бозорига рекордга айланди. Бунгача бир қунда энг кўп даромад келтирган фильм (4,025 миллион фунт стерлинг) сифатида Гарри Поттер ҳақида суратга олинган кино тан оlinиб келинаётган. Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Завод ТТМЗ ишлаб чиқаради ва реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в лизинг!

- максимальная грузоподъемность 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

- КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 14 т
 - максимальная высота подъема — 14,5 м
- КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 16 т
 - максимальная высота подъема — 22 м
- КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 25 т
 - максимальная высота подъема — 29 м (с грузом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

SONATA Ўз йўлингни танла!



КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

ИСТИҚЛОЛ ЧАРОҒОН ЭТГАН ХАЗИНА

Спорт • Sport • Спорт

Саудия Арабистони яшил майдонларида ёшлар ўртасида (U 19) Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда.



Чорак финалга бир қадам

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари иккинчи турда австралиялик тенгдошларига қарши майдонга тушдилар. Биринчи бўлим охирида терма жамоаси сардори Шерзод Каримов ҳисобни очди — 1:0. Аммо вақиларимиз шу кунги галабани ўз томонларида сақлаб қола олмадилар. 50-дақиқада айнан Шерзоднинг тўп йўқотишидан унумли фойдаланган Таж Майникон учрашувнинг 1:1 дурраг натижа билан якунланишини таъминлади. Гуруҳдаги Таиланд — Иордания

беллашуви 3:2 ҳисобида ниҳоятда етди. Таъкидлаш лозимки, "А" гуруҳдан Япония ва Саудия Арабистони, "В" гуруҳдан БАА, "С" гуруҳдан эса Хитой ёшлар терма жамоалари 6 оқоқдан жамғариб, мuddатидан олдин чорак финал йўлланмасини қўлга киритишди. Бугун бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — Таиланд, Австралия — Иордания учрашувидан сўнг "Д" гуруҳидан чорак финалга йўл оладиган жамоалар номи маълум бўлади.

"Д" гуруҳида иккинчи турдан кейинги вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Австралия	2	1	1	0	2-1	4
Ўзбекистон	2	1	1	0	2-1	4
Таиланд	2	1	0	1	3-3	3
Иордания	2	0	0	2	2-4	0

Сервер Жепаров Осиёнинг кучли футболчилари қаторида

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) қўлидаги 2008 йилдаги энг яхши ўйинчиси номига даъвогарлик қилаётган футболчиларнинг якуний рўйхатини эълон қилди.

Ушбу рўйхатда Осиёнинг 14 нафар етакчи футболчиси номи қайд этилган. Улар орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда "Бунёдкор" клуби ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров ҳам бор. Сервер жорий мавсумда ўзининг мазмуни ўйинлари билан нафақат Ўзбекистонлик ишқибозлар, балки Осиё футбол конфедерацияси раҳбарларининг ҳам назарига тушган кўринади. Фолиб номи 25 ноябрь кунги Хитойнинг Шанхай шаҳрида уюштирилаётган тантанали маросимда маълум қилинади.

Велоспортчилар баҳси

Тошкент вилояти йўлларида шоссё велопойгаси бўйича Ўзбекистон оқиқ чемпионати мусобақалари бошланди. Чемпионатда ҳамюртларимиздан ташқари, қўшни Қозғистондан келган велоспортчилар ҳам иштирок этмоқда.



25 километр масофага шахсий пойгада чирчиқлик Мурод Холмуродов маррага биринчи бўлиб етиб келди. Иккинчи ва учинчи ўринлар пойтахтлик Эльдор Муқимов ҳамда Вадим Шайховага насиб этди.

Константин Волик ва Азамат Тураев биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи погондан МХСК велоспортчилари жой олишди. Кеча 30 километрлик масофага жамоавий пойга беллашувлари бўйича ғолиблар аниқланди.

Зиёдулла ЖОНИЕБЕКОВ тейёрлади.



(Давоми. Боши 1-бетда).

— Муҳаммадсуф ака, юқорида "Хунармандларнинг иззату ҳурматлари жойига қўйилди" деб таъкидладингиз. Ушбу фикрнинг муфассалроқ баён этсангиз.

— Ушумамиз 1997 йили Юртбошимизнинг "Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган. Аммо ундан тўрт йил муқаддам, яъни 1993 йили эндигина бозор иқтисодиётининг мураккаб жараёнларида ўтаётган кезларимизда Вазирлар Маҳкамасининг устоз-шогирд мактабларини ташкил этишга қаратилган махсус қарори қабул қилинган эди. Ушар қарорда илк бор миллий хунармандчилигимиз аъёнларини авайлаб-асраш, уни навқирон авлодга ўргатиш масалалари ҳам қамраб олинди. Бугунги кунда хонадон шароитида бадий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ хунармандлари маҳаллий ҳам ашб, материаллар, асбоблар ва кичик механизмлар воситалари билан давлат томонидан таъминланмоқда. Барча вилоят, туман бозорларида хунармандчилик маҳсулотларига ихтисослаштирилган дўконлар ва хунармандчилик марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Фармонда кўрсатиладиган ҳунармандлар даромад ва бонжона тўловларидан дастлаб 5 йилга, кейинчалик имтиёзли равишда 2010 йилга қадар озод этилдилар. Меҳнат фаолиятлари суғурталанди. Иқтисодий ҳимоя ва имтиёз воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари қаролатилди. Хусусан, хунармандларга меҳнат дафтари асосида, иш стажига белгиланди. Нафақа тайинланди.

лард 197 миллион сўм зиёддир. Ўтган йилги натижалар билан қўйилганда ўсиш суръати 136,2 фоизга етди. Ушбу нафосат хазинасига қосиблар 3 миллиард 36 миллион 751 минг сўм, қокли буюмлар усталари 8 миллиард 379 миллион 979 минг сўм, қўллар 1 миллиард 290 миллион 59 минг сўм, миллий меъбел ясовчи усталар 2 миллиард 937 миллион 979 минг сўм, ёғочдан беэакли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи усталар 613 миллион 302 минг сўм, миллий чопон тикувчилари 324 миллион 68 минг сўмлик ҳисса қўшилди. Келгусида бу кўрсаткич уч-тўрт мартаба ўсишига ишончликомил. Сабаби, Президентимиз мамлакатимиз-

такомиллаштириш, етук, малакали ворисларни тайёрлаш ишига усталарга хос саховат, муруват ва олижаноблик билан жиддий ёндашишга чакирдилар. Алалхусус, айни пайтда, ушумамиз таркибда 108 та "Усто-шогирд" мактаблари иезил ва фаол ишлаяпти. Эътиборли жиҳати шундаки, ёшларимизда меросий хунарларни ўрганишга иштиёқ Юртбошимиз хунармандларга обидларимиз иншоотларини фойдаланишга берганларидан сўнг янада кўчайди. Бинобарин, усталаримиз ҳам қайрат ва шижоат билан ёшларга хунармандчиликнинг мураккаб сирларини ўргатишга астойдил бел боғладилар.



— Ҳа, қадимдан халқ усталари ва хунармандлар ахдида вафодор, яхшиликни билладиган, уни қадрлайдиганлардан эканликларини беэаж эмас. Уларнинг Юртбошимиз ва халқимиз ишончини, меҳрини, гомхўрликларини оқлашлари ҳаммамизни қувонтиради.

— Ҳозирги вақтда вилоятларимизда ва айрим туманларимизда 19 та бўлимимиз мавжуд. Халқ амалий санъати ва миллий хунармандчиликнинг 33 йўналиши бўйича мингдан ортиқ буюмлар ва турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушумамиз ўз аъзоларининг ҳақ-ҳўқуқлари бекаму қўст таъминланишига ҳаракат қилади. Ушумамиз касасу йилнинг ўзида нафосат

нинг улғувор тантаналарида доимо хунармандларимизни улкан марҳаматлари билан сиқлайдилар. Алғол, у қишининг ташаббуси билан Қарши шаҳрининг 2700 йиллик, Самарқанднинг 2750 йиллик, Марғилоннинг 2000 йиллик тантаналари қўлида кўркам таъмирланган тарихий обидлар ичидаги иншоотлар хунармандларга фойдаланишга берилди. Эсласангиз, Марғилондаги "Саидхамд" "Хўжа" мадрасасида Юртбошимиз хунармандлар билан сўбатлаша туриб, нодир меросимиз ва аъёнларимиз давомчилигини мозиёғ ва назар ташлаб, бугунги хис этишга, унинг мултолақни, бебаҳо ва ақойиб халқ амалий санъати ва хунармандчилик намуналари билан бойитишга ундадилар. Шунинг билан бирга ота-боболаримиздан қолган аъёнлар асосида ёшларни касб-хўнарга ўргатиш, устоз-шогирд мактаблари фаолиятини янада

— Ҳа, қадимдан халқ усталари ва хунармандлар ахдида вафодор, яхшиликни билладиган, уни қадрлайдиганлардан эканликларини беэаж эмас. Уларнинг Юртбошимиз ва халқимиз ишончини, меҳрини, гомхўрликларини оқлашлари ҳаммамизни қувонтиради. Энди ушумамиз ва хунармандлар ўртасидаги муносабатлар тизими ва шакли ҳуусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Очиги, биз ҳам ҳайратдамиз. Энди ушумамнинг истиқбол режаларидан бохабар қилсангиз.

— Истиқболда хунармандларимиз сафини 20000 га етказмоқчимиз. Хунармандчилик марказлари сонини қўлайтирмоқчимиз. «Устоз-шогирд» мактаблари фаолиятини янада мустақамлаб, моддий-техник базасини кенгайтирмоқчимиз. Экспортбол маҳсулотларимизни, уларнинг турларини жаҳонга танитиш мақсадида анги реклама лойиҳаларини жорий этишга тайёрларлик қўймоқдамиз. Энг муҳими, жаҳондаги йирик халқ амалий санъати буюмлари ва хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларида бундан бўён ҳам фаол иштирок этиб, Ватанимиз давруғини яна оширишда давом эттаверамиз.

Суҳбатдош: Абдували ҚУТБИДИНОВ. Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

ОҲАНРАБОСИ БОР ДАРГОҲ

Нуқсудаги И. Савицкий номидаги давлат Санъат музейи экспонатлари нафақат юртимизда, балки хориққиларда ҳам қатта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилда ҳунийнинг ўттиздан ортиқ мамлакатларидан 2500 дан зиёд сайёҳ музейга келганлиги бунинг аққол исботидир.

кур таассурот қолдираятти. Айтиш лозимки, музейда қоракалпоқ халқининг урф-одат

қўришга иштиёқмандлар орасида Франция, Италия, Германия, Япония, АКШ, Австралия, Корея, Финляндия, Англия, Таиланд, Голландия, Швейцария сингари мамлакатлардан келган нозиктаъб сайёҳлар жуда кўп.

— Ақойиб санъат асарларини намойиш этиш орқали навқирон авлодни бебаҳо меросимиз билан таништириш, унинг эстетик қарашларини шакллантириш, бадий дидини ўстириш, маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилаётганимиздан мам-

Ҳўш, хориққил сайёҳларнинг эътиборини қозонаётган мазкур музейнинг ўзига ҳослиги нимда? — Музейимизда юртимиз табиати кўринишларидан иборат расмлар, ўтган асрнинг таңқили кишилари фото архивла-

лари, санъати, маданияти, миллий кийим-кечақлари, истетёмол ва зарғарлик буюмлари, ўтов беэаклар, ҳудуддаги бетақор тарихий жойлар тасвирлари акт этган санъат дурдоналарини томоша қилиш учун гоҳида бир кун ҳам озлик қилади. Уни

ри, турли-туман қўна буюмлар сақланади, — дейди ушбу музей бўлим мудури Айгул Пирназарова. — Айниқса, қатагдан даври қўрбонларига айланган рассомирнинг алам ва армон уфуриб турган асарлари экспозицияси томошабинларда чу-

Хоразм томонларида

Хоразм вилояти ногиронларни тиббий-иқтисодий ва касбий йўналтириш бўйича соғломлаштириш марказида Ахборот-ресурс маркази очилди.

Савобни қўзлаган марказ

Бу ерда ногиронлик масалаларига доир мингта яқин адабиётлар ўрин олган. Ушбу ахборот ресурс маркази Европа Иттифоқи комиссияси томонидан молиялаштирилган "Ногиронлик масалалари ва бандлик маркази бўйича ахборот ресурслари тармоқлари" лойиҳаси асосида ташкил этилган бўлиб, ногиронлар саломатлигини тиклаш, уларнинг ҳаётий имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Рақобат самараси

Урганч шаҳридаги "Окулис" кўз касалликлари клиникаси беморлар ишончини оқлаётган хусусий шифохоналардан биридир. Ўн саккиз нафар тиббийёт ходими меҳнат қилаётган ушбу муассасада барча шарт-шароит яратилган. — Айни пайтда кўз касалликларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган замонавий асбоб-ускуналарни лизинг асосида харид қилиш ҳаракатидамиз, — дейди клиника раҳбари, тиббийёт фанлари номзоди Ибрагим Кўрёзов. Зеро, тиббийёт соҳасида ҳам хусусийлаштириш ва рақобат иш самарадорлигини оширишнинг бош омилли бўлимоқда. Бунга Гурлан туманидаги "Баҳром Бобононов" хусусий клиникаси фаолиятини ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ҳозирги кунда вилоятда бундай хусусий тиббий клиникалар соғи 70 тадан ошиб кетди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

MOBILE Internet

Маълумот узатишининг юқори тезлиги 153 Кбит/сония!
Чекка туманларда уланишининг мустаҳкамлиги!
1 Мегабайт \$0,01 дан!

Барча маълумотлар компания офикарларида ва www.cdma.uz сайтида.
(8598) 305-1111 PerfectumMobile

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термид хамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

■ -Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.20

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусаҳҳах — Ш. Машираббоев.